

“Қўқон ёғ-мой” акциядорлик жамияти
акциядорларининг 2024 йил якунларига бағишланган
йиллик умумий йиғилиши
БАЁНИ

Йиғилиш ўтказилган сана: 27.06.2025 йил

Йиғилиш ўтказилган вақт: соат 14-00

Йиғилиш ўтказилган манзили: Қўқон шаҳри, Қоғозгарлик кўчаси 1 уй.

Жамиятнинг овоз берувчи акциялари умумий сони - 1 392 490 дона;

Жамиятнинг рўйхатга олинган овозлар сони - 1 279 020 дона

Умумий йиғилиш кворуми - 91,85 %

Қатнашдилар:

№ т/р	Ф.И.Ш.	Акциядорнинг номи	Акциялар сони, дона	Улуши, (%)
1.	Наров Э.И.	ИП ООО “DEMORET FINANCE” Компанияси вакили	568820	40,85
2.	Фарманов Б.Б.	Давлат активларини бошқариш агентлигининг вакили	710170	51,00
3.	Бабаджанов Д.Т.	Жисмоний шахс, акциядор	30	0,002
	ЖАМИ:		1 279 020	91,85

Йиғилиш раиси: Б.Фарманов – жамиятнинг 51,00 фоиз акцияларига эгалик қилувчи – Давлат активларини бошқариш агентлигининг вакили (2025 йил 19 июндаги 02/09-2-17/363-сонли ишончномасига асосан).

Йиғилиш котиби: М.Ўринбоев

“Қўқон ёғ-мой” акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар киритилди:

1. 2024 йилда жамиятда корпоратив бошқарув тамойилларига риоя қилиниши юзасидан Кузатув кенгашининг ҳисоботи ва қабул қилинган қарорларини тасдиқлаш.

2. 2024 йилда жамият бизнес-режасининг бажарилиши ва молия-хўжалик фаолияти натижалари юзасидан жамият бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.

3. 2024 йил якуни бўйича жамиятнинг бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб варағини тасдиқлаш.

4. Ташқи аудитор хулосасини тасдиқлаш.

5. 2024 йил якуни бўйича жамият соф фойда (зарари)ни тақсимлаш.

6. 2025 йил учун жамият Бизнес-режаси ҳамда даромад ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.

7. Жамиятнинг 2025 йил молия-хўжалик фаолияти учун ташқи аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг миқдорини белгилаш.

8. Жамият фаолиятига Корпоратив бошқарув кодекси хулосасини хабар бериш шаклини тасдиқлаш.

9. Жамият уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимлар билан янги тахририни тасдиқлаш.

Сўзга чиқдилар:

Йиғилишда қатнашган “Қўқон ёғ-мой” акциядорлик жамияти акциядорлари томонидан йиғилиш раиси этиб бир овоздан Давлат активларини бошқариш агентлигининг ишончли вакили Б.Б.Фармановни сайлашди.

Йиғилиш раиси Б.Б.Фарманов навбатдаги йиллик умумий йиғилишига келган акциядорларни рўйхатга олиш натижалари билан таништириш учун сўзни санок комиссиясининг раисига берди.

Санок комиссиясининг раиси йиғилишда умумий 1 392 490 та овозга эга бўлган 1131 та акциядорлардан 1 279 020 та овозга эга бўлган 3 та акциядорлар қатнашаётганлигини маълум қилди. Бу умумий овозлар сонининг 91,85 % ини ташкил қилади. Қонунчиликда белгиланган тартибга асосан кворум мавжудлиги сабабли умумий йиғилишни очиш бир овоздан маъқулланди.

Йиғилиш раиси, Б.Б.Фарманов йиғилишда жамият Кузатув кенгаши, ижро органи аъзолари ҳам иштирок этишаётганлигини айтиб, йиғилиш раёсатини, котибиятини ва санок комиссиясини сайлаб олишни таклиф этди.

Жамият акциядори Д.Бабаджанов йиғилиш раёсатини 3 кишидан иборат таркибда сайлашни ва раёсатга жамият акциядори Давлат активларини бошқариш агентлиги 2025 йил 19-июнь кунги 02/09-3-17/363-сонли ишончномасига асосан вакили Б.Б.Фарманов, СП ООО «Demoret Finance»нинг 2025 йил 18-июнь кунги ишончномасига асосан вакили Э.И.Наров ва бошқарув раиси Ш.А.Комиловларни сайлашни таклиф қилди. Йиғилиш қатнашчилари томонидан раёсат аъзолари бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилишда билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни қайд қилиш ва йиғилиш баёнини юритиш учун йиғилиш котибиятига М.М.Ўринбоевни бир овоздан тасдиқланди.

Жамият Кузатув кенгашининг 04.06.2025 йилдаги мажлисида Х.Азимов, М.Юсупова ва Ш.Абдукодировалардан иборат умумий йиғилиш санок комйссияси ташкил этилган эди. Санок комиссияси аъзоларининг сони ва комиссиянинг ушбу шахслардан иборат таркибини тасдиқлаш масаласи овозга қўйилди ҳамда бир овоздан маъқулланди.

Йиғилиш раиси кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кун тартибини эълон қилди ва умумий йиғилишнинг қуйидаги регламентини таклиф қилди. Кун тартибидаги масалалар бўйича асосий маърузачи Ш.А.Комиловга 20 дақиқагача, қолган масалалар бўйича маърузачиларга 10 дақиқагача ва музокараларда сўзга чиқувчиларга ҳам 5 дақиқагача вақт беришни, йиғилишни танафуссиз 2 соат ичида якунлашни таклиф қилди ва ушбу таклиф йиғилиш қатнашчилари томонидан мақулланди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишга ўтилди.

Кун тартибидаги **1-масала** юзасидан йиғилиш раиси Б.Фарманов ҳисобот берди.

Б.Фарманов жамият Кузатув кенгаши томонидан ҳисобот йилида чақирилган ва ўтказилган акциядорлар умумий йиғилишлари, кенгаш мажлислари, уларда кўрилган масалалар, қабул қилинган қарорлар тўғрисида тўхталиб ўтди. Шунингдек маърузачи томонидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ўз вақтида бажариш мақсадида Кузатув кенгаши томонидан кенгашнинг йиллик иш режаси тузилганини, чора ва тадбирлар ишлаб чиқилганини, кенгаш номига тушган хатлар ва мурожаатларга ўрнатилган тартибда, ўз вақтида жавоблар берилгани ҳам айтиб ўтилди. Ҳисоботчи томонидан жамият акциядорларининг умумий йиғилишини чақириш, уни ўтказиш бўйича Кузатув кенгаши йиғилишларида тегишли қарорлар қабул қилинганлиги таъкидлаб ўтилди (*маъруза матни илова қилинади*).

Муҳокамадан сўнг **“кузатув кенгашининг ҳисоботи ва 2024 йилдаги қарорлари тасдиқлансин”**, деган таклиф овозга қўйилди.

Йиғилиш раиси Б.Фарманов кун тартибидаги **2-масала** юзасидан ҳисобот бериш учун сўзни жамият бошқаруви раиси Ш.Комиловга берди.

Бошқарув раиси Ш.Комилов жамиятнинг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича йиғилиш қатнашчиларига батафсил маълумотлар келтириб, ҳисобот берди.

Ҳисобот 2024 йилда тасдиқланган бизнес-режада **20000** тонна техник чигитни қайта ишлаш белгиланган бўлса, лекин техник чигитни қайта ишлашдан маҳсулот ишлаб чиқарилмади.

Корхонада 2024 йил давомида истеъмол фондига жами **5 603,0** млн. сўм йўналтирилди. Ўртача ойлик иш ҳаққи 2023 йилда **2 097 693** сўмни ташкил этган.

2024 йилда маҳсулотларни сотишдан тушган соф тушум **22 162,0** млн.сўмни, сотилган маҳсулотларнинг таннари **15 347,4** млн.сўмни, давр харажатлари **6 814,6** млн.сўмни, соф фойда (зарар) эса **-1 596,2** млн.сўмни ташкил этди.

2024 йилда тасдиқланган бизнес-режа бўйича **1054,0** млн.сўм соф фойда олиш режалаштирилган бўлса, амалда **-1 596,2** млн.сўм зарар билан якунланди.

2024 йилда бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга **5** млрд **603,2** млн сўм маблағ тўланди.

Жамиятнинг 01.01.2025 йил ҳолатига жами дебиторлик қарзлари **1 447,9** млн.сўмни, кредиторлик қарзлари эса **15 608,2** млн.сўмни ташкил этди.

Муҳокамадан сўнг **“Жамият бошқарувининг 2024 йил учун ҳисоботи тасдиқлансин ва қоникарли деб баҳолансин”**, деган таклиф овозга қўйилди.

• Кун тартибидаги **3-масала** бўйича жамият бош ҳисобчиси **Д.Бабаджановга** сўз берилди.

Маърузачи ҳисобот йили учун тузилган бухгалтерия баланси (форма №1), молиявий натижалар (форма №2) ҳисоботи билан йиғилиш қатнашчиларини қисқача таништирди ва акциядорлардан 2024 йил якунлари бўйича тузилган жамият бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар аудиторлик ташкилоти хулосасига асосан ўзгартирилишини ҳисобга олган ҳолда ҳисоботини тасдиқлашни сўради.

Муҳокамадан сўнг **“Жамиятнинг 2024 йил учун бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва зарарлар ҳисоб-варағи тасдиқлансин”** деган таклиф овозга қўйилди.

Кун тартибидаги **4-масала** бўйича **“НІМОҲА FAIR”** МЧЖ раҳбари **Ш.Б.Хатамовга** сўз берилди.

Маърузачи ҳисобот йили учун тузилган бухгалтерия баланси (форма №1), молиявий натижалар (форма №2) ҳисоботи билан йиғилиш қатнашчиларини қисқача таништирди, **“НІМОҲА FAIR”** МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан 12 май 2025 йил кунги 2024 йилги молия-хўжалик фаолияти бўйича берилган хулоса тасдиқлансин деган қарорга бюллетенлар орқали ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **5-масала** Кузатув кенгаши раиси С.Тангриев жамиятнинг 2024 йилда -1 596 163,00 (бир миллиард беш юзи тўқсон олти миллион бир юзи олтмиш уч минг, 00) сўм зарар кўргани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг **“Акциядорларлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги. қонунининг 51-моддасига асосан: жамият етарли миқдорда фойдага эга бўлмаганлиги, зарар кўриб ишлаётганлиги сабабли, оддий акцияларга дивиденд тўланмаслиги ҳамда имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамият томонидан ташкил этилган захира фондидан тўланиши билдирилди. бўйича ҳам ижро органи аъзоси, жамият бош ҳисобчиси **Д.Бабаджановга** берилди ва маърузачи қуйидагиларни айтиб ўтди:

Давлат активларини бошқариш агентлигининг ишончли вакили **Б.Фарманов** жамиятнинг 2024 йилда -1 596 163,00 (бир миллиард беш юзи тўқсон олти миллион бир юзи олтмиш уч минг, 00) сўм зарар кўргани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг **“Акциядорларлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги қонунининг 51-моддасига асосан: жамият етарли миқдорда фойдага эга бўлмаганлиги, зарар кўриб ишлаётганлиги сабабли, оддий акцияларга дивиденд тўланмаслиги ҳамда имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамият томонидан ташкил этилган захира фондидан тўланиши билдирилди.

• Шундан сўнг **Д.Бабаджанов** ўз маърузасида 2024 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича жамиятимиз -1 596 163,00 (бир миллиард беш юзи тўқсон олти миллион бир юзи олтмиш уч минг, 00) сўмни ташкил қилди.

Жамият Кузатув кенгаши ўзининг 2025 йил 4 июндаги мажлисида қуйидагича тақсимлаш тавсиясини ишлаб чиқди:

Т/б №	Кўрсаткичлар номи	Акциялар сони	1 дона акцияга ҳисобланган дивид. суммаси	Жами ҳисобланган дивиденд суммаси (сўм)	Соф фойда фоиз кесимида %
1.	Дивиденд тўловига-жами бўлиб:	Жами: 1 392 490 Оддий акция - 1 390 430 дона Имтиёзли акция -2060 дона	Ҳар бир оддий акция учун 0,00 сўмдан ва ҳар бир имтиёзли акция учун 794,00 сўмдан.	1 635 640	-
2.	КК, ТК ва ИОни рағбатлантириш учун	-	-	-	-
3.	Корхонани ривожлантириш учун	-	-	-	-
Ж А М И :		1 392 490	-	1 635 640	-

Ҳисобланган дивидендлар ҳар бир эгаси ёзилган оддий акциялар учун **0 сўм 0 тийин** ва имтиёзли акциялар учун **794 сўм 00 тийинни** ташкил қилади. Дивидендлар тўлови акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори қабул қилган кундан бошлаб 60 кун ичида, юридик шахслар-акциядорларга ҳисоб-варақларига пул ўтказиш йўли билан, жисмоний шахслар-акциядорларга корхона ғазнаси орқали нақд пул бериш, пластик карталар, омонат дафтарчалари, акциядорларнинг ёзма аризасига кўра коммунал ва бошқа тўловларга пул ўтказиш орқали амалга оширилади. Сизлардан ушбу тақсимотни тасдиқлаш учун овоз беришларингизни сўрайман.

Муҳокамадан сўнг **“2024 йил якунлари бўйича жамият тақсимлаш юқоридаги тартибда амалга оширилсин”** деган таклиф овозга қўйилди.

Кун тартибидаги **6-масала** юзасидан жамият бош ҳисобчиси Д.Бабаджанов сўзга чиқиб йиғилиш қатнашчиларига жамиятнинг 2025 йилга белгиланган бизнес-режаси Кузатув кенгашининг 2024 йил 20 ноябрдаги 2-сонли мажлисида кўриб чиқилиб, жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида тасдиқлаш учун маъқулланган.

2025 йилда биржа савдоларидан олинishi кутилаётган 20 000 тонна пахта техник чигитини қайта ишлаш, 3730 тонна ўсимлик мойлари, бундан 3676 тонна дезодорацияланган ўсимлик мойлари, 3673 тонна қадоқланган ўсимлик мойлари, 8960 тонна камгоссиполли пахта шроти, 6340 тонна шелуха, 657 тонна хўжалик совуни ва бошқалар, жами – 102,8 млрд. сўмлик ялпи маҳсулот, 81,1 млрд. сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Жамиятда ўртача 520 ходим меҳнат қилиб, умумий истеъмол фондига 10,0 млрд. сўм сарфланади, ходимларнинг ўртача ойлик

иш ҳақи 3 025 637 сўмни, меҳнат унумдорлиги 1 кишига 509,2 минг. сўмни ташкил қилади.

Давлат Активларини Бошқариш Агентлигининг ишончли вакили Б.Б.Фарманов бизнес режа тузиш тартибларига кўра 2025 йил даромад ва харажатлар сметасини тасдиқлаш масаласида тайёрланган бизнес режада соф фойда миқдорини Кузатув кенгашининг йиғилишида кўриб чиқилганлигини, соф фойдани кўтариш бўйича келажакда юқори фойдаларга эришишни режалаштирилиши, 2025 йилда соф фойдани белгиланишида соф фойдани камайтириш мумкинлигини инобатга олган ҳолда соф фойда режасини 1054,0 млн.сўм этиб белгиланаётганлигини айтиб ўтди.

Муҳокамадан сўнг **“Жамиятнинг 2025 йил учун бизнес-режаси ҳамда даромад ва харажатлар сметасида соф-фойдани 1054,0 минг сўм режалаштирилсин ва тасдиқлансин”**, деган таклиф овозга қўйилди.

• Кун тартибидаги **7 – масала** 2025 йилда жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти ташқи аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг миқдорини белгилаш.

Йиғилиш раиси Б.Б.Фарманов жамиятнинг 2025 йилдаги молия-хўжалик фаолиятини аудит текширувидан ўтказиш юзасидан қуйидаги аудиторлик ташкилотларидан таклифлар тушганлигини айтиб ўтди:

- “Mustaqil-M” МЧЖ аудиторлик ташкилоти, аудиторлик хизматини ўтказиш учун жами – 49 млн.сўм сўмлик тижорат таклифини берган;

- “AKADEMIK AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти, аудиторлик хизматини ўтказиш учун жами – 50 млн.сўм сўмлик тижорат таклифи берган;

- “HIMOYA FAIR” МЧЖ аудиторлик ташкилоти, ташкилот аудиторлик хизматини ўтказиш учун жами – 45 млн.сўм сўмлик тижорат таклифини берган.

Мажлис раиси йиғилиш қатнашчиларига жамиятнинг 2025 йил фаолиятини аудит текшируви учун тўланадиган ҳақнинг миқдори ва ўз таклифини киритган аудиторлик корхоналар тажрибасини инобатга олиб, кўпчилик акциядорлар ва корхона мутахассисларини фикрларини инобатга олиб 45 млн.сўм тижорат таклифи билан қатнашаётган “HIMOYA FAIR” МЧЖ аудиторлик ташкилотини бюллетенда овоз беришларини сўради.

Кун тартибидаги **8–масала** жамиятнинг Корпоратив бошқарув кодекси ҳулосасини хабар бериш шаклини тасдиқлаш.

Йиғилиш раиси Б.Б.Фарманов сўз олиб Корпоратив бошқарув кодекси бўйича қисқа тушунтириш берди.

• Кодекс АЖ бошқарув органлари ишини самарали ташкил этишнинг муҳим йўналишлари бўйича тавсиялар мажмуасидан иборат эканлиги, Кодекс ҳисобдорлик, очиқлик, ҳаққонийлик, юксак ахлоқий тамойилларга риоя этишни ўз ичига олувчи ҳамда АЖни узоқ муддатли истиқболда барқарор ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган тегишли бошқарувнинг асосий принциплари асосида ишлаб чиқилганлиги айтиб ўтилди ва “Қўқон ёғ-мой”

АЖДа Корпоратив бошқарув кодексини риоя этилиши юзасидан олиб борилган ишлар қониқарли эканлиги, 2025 йил 20 май кунлари мустақил баҳоловчи “Mustaqil-M” МЧЖ томонидан 2024 йилда корпоратив кодекс тамойилларига риоя этилиши юзасидан хулоса олинганлиги ва бу қониқарли хулоса эканлигини йиғилиш иштирокчиларига ўқиб эшиттирди, шундан кейин Жамият фаолиятига Корпоратив бошқарув кодекси хулосасини хабар бериш шаклини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани овозга қўйди.

Кун тартибидаги **9-масала** жамиятнинг уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар билан янги тахририни тасдиқлаш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида.

Йиғилиш раиси Б.Фарманов кун тартибидаги масала бўйича қўйидагиларни айтиб ўтди:

“Қўқон ёғ-мой” АЖнинг уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар билан янги тахририни тасдиқлаш масаласида маълумотлар етарли даражада бўлмаганлиги сабабли, жамият кузатув кенгаши ваколати доирасида яна қайта ўрганиб чиқилиб, акциядорларнинг навбатдан ташқари ёки навбатдаги умумий йиғилишига тегишли таклиф тақдим этилгунга қадар қолдирилишини такидлаб, йиғилиш қатнашчиларидан бу масалада овоз беришни сўради.

Йиғилиш раиси Б.Фарманов мазкур масалалар юзасидан киритилган таклифларга бюллетень орқали овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдиришларини сўради. Шундан сўнг овоз бериш бошланди.

- Овозларни ҳисоблаш учун 15 минут танаффус эълон қилинди.

(танаффусдан сўнг)

Хақиқий деб топилган бюллетенлар сони 6 дона, яъни 1 279 080 та овоз.

Овоз бериш натижалари ҳисобланганда, овозлар қўйидагича тақсимланганлиги маълум бўлди:

Кун тартибининг 1-масаласи бўйича:

“Ёқлайман” – 1 279 020 та, “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибининг 2-масаласи бўйича:

“Ёқлайман” – 1 279 020 та, “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

Кун тартибининг 3-масаласи бўйича:

- “Ёқлайман” – 1 279 020 та, “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибининг 4-масаласи бўйича:

“Ёқлайман” – 1 279 020 та, “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

Кун тартибининг 5-масаласи бўйича:

“Ёқлайман” – 1 279 020 та, “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

Кун тартибининг 6-масаласи бўйича:

“Ёқлайман” – 1 279 020 та, “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

Кун тартибининг 7-масаласи бўйича:

- “Mustaqil-M” МЧЖ

• “Ёқлайман” – йўқ, “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

- “AKADEMIK AUDIT” МЧЖ

“Ёқлайман” – йўқ, “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

- “HIMOYA FAIR” МЧЖ

“Ёқлайман” – 1 279 020 та, “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

Кун тартибининг 8-масаласи бўйича:

“Ёқлайман” – 1 279 020 та, “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

Кун тартибининг 9-масаласи бўйича:

“Ёқлайман” – 1 279 020 та, “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

Йиғилиш раиси санок комиссиясининг баённомаларини инобатга олишни сўради.

• “Ёқлайман” – 100,0 %, “Қаршилар” – Йўқ, “Бетарафлар” – Йўқ.

Йиғилиш раиси акциядорлардан йиғилишни олиб бориш юзасидан таклиф ва мулоҳазаларни сўради. Таклифлар тушмади.

Шу билан умумий йиғилиш ўз ишини тамомлади. Йиғилиш сўнгида,

“Қўқон ёғ-мой” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши қуйидагича

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. 2024 йилда жамиятда корпоратив бошқарув тамойилларига риоя қилиниши юзасидан Кузатув кенгашининг ҳисоботи ва қабул қилинган қарорлари тасдиқлансин.

• 2. 2024 йилда жамият бизнес-режасининг бажарилиши ва молия-хўжалик фаолияти натижалари юзасидан жамият бошқарув раисининг ҳисоботи тасдиқлансин.

3. 2024 йил якуни бўйича жамиятнинг бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб варағи аудиторлик ташкилоти хулосасига асосан ўзгартирилган ҳолда тасдиқлансин.

4. Ташки аудитор “HIMOYA FAIR” МЧЖ ҳисоботи ва хулосаси тасдиқлансин.

5. 2024 йил якуни бўйича жамият соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

Т/б №	Кўрсаткичлар номи	Акциялар сони	1 дона акцияга хисобланган дивид. суммаси	Жами хисобланган дивиденд суммаси (сўм)	Соф фойда фоиз кесимида %
1.	Дивиденд тўловига-жами бўлиб:	Жами: 1 392 490 Олдий акция - 1 390 430 дона Имтиёзли акция -2060 дона	Хар бир олдий акция учун 0,00 сўмдан ва хар бир имтиёзли акция учун 794,00 сўмдан.	1 635 640	-
2.	КК, ТК ва ИОни рағбатлантириш учун	-	-	-	-
3.	Корхонани ривожлантириш учун	-	-	-	-
Ж А М И:		1 392 490	-	1 635 640	-

“НIMOYA FAIR” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2025 йил 12 майдаги хулосасига мувофиқ, “Қўқон ёғ-мой” АЖ 2024 йил якуни бўйича фаолиятини зарар билан якунлаганини маълумот учун қабул қилинсин.

6. 2025 йил учун жамият Бизнес-режаси ҳамда даромад ва харажатлар сметаси тасдиқлансин.

7. Жамиятнинг 2025 йил молия-хўжалик фаолияти учун ташқи аудиторлик ташкилоти “НIMOYA FAIR” МЧЖ тасдиқлансин ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг миқдорини 45 млн.сўм тижорат таклифи белгилансин.

8. Жамиятда Корпоратив бошқарув кодексини риоя этилиши юзасидан олиб борилган ишлар 2025 йил 20 май кунлари мустақил баҳоловчи “Mustaqil-M” МЧЖ томонидан 2024 йилда корпоратив кодекс тамойилларига риоя этилиши юзасидан қониқарли хулосасини хабар бериш шакли тасдиқлансин.

9. Жамият кузатув кенгаши ваколоти доирасида яна қайта ўрганиб чиқилиб, акциядорларнинг навбатдан ташқари ёки навбатдаги умумий йиғилишига тегишли таклиф тақдим этилгунга қадар қолдирилсин.

Йиғилиш раиси:



Б.Фарманов

Йиғилиш котиби:



М.Ўринбоев

Баённома 07.07.2025 йил куни икки нусхада расмийлаштирилди.